

## ERMON (ACHCHIK SHUVOK) NING PHARMACOLOGICAL PROPERTIES AND VETERINARY SIGNIFICANCE

Allanazarov Ghiyas Shokirjonovich,  
Independent Researcher, Samarkand Institute of Veterinary Medicine

Khalikov A. A.

### SUMMARY

This article provides information on the technology of obtaining a liquid extract and the composition and effects of bitter wormwood.

**Kalit suzlar:** Ermon, achchik shuvok, moya ether, absinthine, anabsinthine, chamazulene, organic acid, carotene, flavonoid, lactone, damlama, tincture, extract.

## ЭРМОН (АЧЧИҚ ШУВОҚ)НИНГ ФАРМАКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ВЕТЕРИНАРИЯДАГИ АҲАМИЯТИ.

Мустақил тадқиқотчи Алланазаров, Гиёс Шокиржонович,  
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

### АННОТАЦИЯ

В статье приводятся сведения о лекарственных травах, в том числе о фармакологическом действии полыни и важности ветеринарной медицины.

**Калит сўзлар:** Эрмон, аччиқ шувок, эфир мойи, абсинтин, анабсинтин, хамазулен, органик кислота, каротин, флавоноид, лактон, дамлама, настойка, экстракт.

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамизда фармацевтика тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, доривор ўсимликлар хом ашёсини етиштиришнинг ноёб шароитларини инobatга олган ҳолда маҳаллий доривор воситалар бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли дори воситалари билан тўлдириш, уларни чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.05.2017 йил ПФ-5032 Фармони ҳамда “Ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 июлдаги №-564-сонли қарори эълон қилинди.

Ушбу Фармон ва қарор талабларидан келиб чиқиб, Самарқанд ветеринария медицинаси институти олимлари Республикамизнинг тўқайзорларда, ариқ бўйлариди, йўл ёқаларда, тоғ ва тепаликларнинг ён бағрларида ҳамда бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсадиган эрмон (аччиқ шувок)нинг баъзи бир дори шакл (дамлама, настойка, қуюқ ва суюқ экстрактлар ҳамда брекети таблетка)ларини ветеринария амалиётида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг баъзи бир касалликларини даволаш ва олдини олиш мақсадларида

қўллашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва бу борада илмий ишланишларни бошлаб юбордик.

Таҳлилларга қараганда, синтетик усул билан олинган дори воситалари беморларда турли нохуш асоратларга сабаб бўлмоқда. Ҳозирги вақтда ветеринария амалиётида ҳайвонлар касалликларини даволаш ва олдини олиш мақсадида қўлланилаётган дори моддаларни деярли 90-100% ини синтетик дорилар ташкил қилмоқда. Ветеринария амалиётида ҳам синтетик препаратлардан воз кечиб, ўзимизни маҳаллий доривор ўсимликлардан дори моддалар тайёрлаб, уни қўллашни йўлга қўйиш орқали ветеринария амалиётини арзон дори дармонлар ва республикамиз аҳолисини хавфсиз, экологик тоза чорва маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек қисман бўлсада озиқ - овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини яратиш мумкин.

**Тадқиқот мақсади.** Маҳаллий доривор ўсимлик эрмон шuvoқнинг айрим фармакологик хусусиятлари ва таркибини ўрганиш ҳамда шу асосда ветеринария амалиётига тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот натижалари.** Илмий тадқиқотлар маҳаллий доривор ўсимлик эрмон шuvoқнинг айрим ботаник хусусиятларини ва таркибини ўрганишдан бошладик. Ўтказилган ишланишлар натижасида қуйидагиларни аниқладик.

Ветеринария амалиётида Эрмон (аччиқ шuvoқ) Марказий Осиёда кўп тарқалган шифобахш ўсимлик бўлиб, у асосан тўқайзорларда ариқ бўйларида, йўл ёқаларда, тоғ ва тепаликларнинг ён бағрларида ҳамда бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади. У Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларда учрайди.

Аччиқ шuvoқ, эрмон - *полынь горькая - Artemisia absinthium L. Compositae* – Мураккаб гулдошлар оиласига мансуб.


Аччиқ шuvoқнинг айрим ер устки қисми ва айрим илдизолди баргларидан иборат. Ер устки қисми бутун ёки қисман майдаланган, бўйи 25 см дан узун ва йўғон поялар бўлмаган, сербаргли ва гулли поялар учидан ташкил топган. Поялари бир оз қиррали, юқори томони майда, диаметри 2,5—4 мм ли шарсимон саватчали шохчалардан иборат мураккаб ва ёйиқ рўвак билан тугалланади. Саватчалар пастга қараб осилган, битта ёки иккитадан ланцетсимон қошловчи барглар қўлтиғидан ўсиб чиққан бўлиб, черепицасимон жойлашган, устки томони сертукли чизиксимон ўрама барглар билан қошланган. Гуллари майда, саватча четидагилари найчасимон, бир жинсли (оналик гуллар), ўртадагилари — воронкасимон, икки жинсли. Юқоридаги гулолди барглари бандсиз, чўзиқсимон, текис қиррали, пасткилари уч бўлакли, баъзан икки-уч марта патсимон ажралган. Маҳсулотда гул ҳосил қилмайдиган сербаргли поялар бўлиши мумкин. Поялари яшил-кулранг, барглари — юқоридан кулранг-яшил, пастки томони кумушсимон-кулранг, гуллари сариқ рангли бўлиб, кучли, ўзига хос ёқимли ҳид ва хушбўй аччиқ мазага эга.

Барглари узун бандли, учбурчак-думалоқ шаклли, икки-уч марта патсимон ажралган ёки бандсиз уч бўлакли ва патсимон ажралган. Барг бўлакчалари ипсимон-чўзиқ шаклли, ўтмас учли, текис қиррали, узунлиги 10 см гача бўлиб, икки томонидан туклар билан қошланган.

Баргларининг юқори томони — кулранг-яшил, пастки томони кумушсимон-кулранг бўлиб, кучли ўзига хос хушбўй ҳид ва аччиқ мазага эга.

Маҳсулотнинг аччиқлик кўрсаткичи 1:10000 га тенг.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 13%, умумий кули 13%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 3% (барглари учун 4%), қорайган қисмлар 3%, диаметри 3 мм дан йўғон бўлган поялар (ер устки қисми учун) 3%, тешигининг диаметри 7 мм ли элакдан ўтмайдиган йирик бўлақлар (қирқиб майдаланган маҳсулот учун) 10%, тешигининг диаметри 0,5 мм (қирқилган барглари учун) ёки 0,310 мм (қирқилган ер устки қисми учун) элакдан ўтайдиган майдаланган қисмлар 10%, органик аралашмалар 2% (барглари учун 1%) ва минерал аралашмалар 1,5% (барглари учун 1%) дан ортиқ ҳамда 70% ли спиртда эриб ажралиб чиқадиган экстрактив моддалар миқдори 20% (барглари учун 25%) дан кам бўлмаслиги керак. Маҳсулотга оддий шувок — *Artemisia vulgaris* L. ўсимлигининг қисмлари аралашмаслиги лозим. Бу ўсимликнинг барглари фақат пастки томони кумуш, устки томони тўқ яшил, қуритилгандан сўнг эса қора рангда бўлиши билан ажралиб туради.



Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллаш даврида фақат илдиолди барглари тайёрланади. Гуллаганда эса поянинг учидан 25-30 см узунликда ўриб олинади. Йиғилган маҳсулотлар соя, ҳаво кириб турадиган жойда ёки чердакларда қуритилади.

Кимёвий таркиби. Аччиқ шувок ўсимлигининг ер устки қисми таркибида 0,5—2% эфир мойи (абсинтол), аччиқ гликозидлар (0,09—0,525% абсинтин, 0,03% анабсинтин), хамазулен, прохамазуленоген, артабсин, каҳрабо, олма ва аскорбин кислоталар, каротин, арабсин ва бошқа лактонлар, артемизетин флавоноиди ҳамда ошловчи моддалар бўлади.

1-расм Сокслет аппарати

Аччиқ шувок ўсимлигининг гул тўпламида (саватчаларда) кўп миқдорда (151,0—292,0 мг %), айниқса, гуллашидан олдин (292,0 мг %), поясида эса энг кам миқдорда (1—3 мг %) хамазулен тўпланади. Поянинг юқори қисмида жойлашган ёш баргларида (175,0 мг %), поянинг пастки қисмида жойлашган баргларида (90,0 мг %) нисбатан 2 баравар кўп хамазулен бўлади.

Доривор препаратлари. Ўсимликдан дамлама, настойка ва Сокслет аппарати ёрдамида экстрактлар тайёрланади (1-чи расм). Ўсимлик иштаҳа очувчи ва ўт ҳайдовчи, жигарни тозаловчи, талоқдаги камчиликларни меёрлаштирувчи йиғмалар, меъда ва асоратли касалликларида ишлатиладиган таблеткалар ва аччиқ настойка таркибига киради.

Ишлатилиши. Адабиётлар маълумотлари бўйича, тиббиётда аччиқ шувок ўсимлигининг препаратлари иштаҳа очадиган ва овқат ҳазм қилишга ёрдам берувчи дори сифатида ҳамда жигар, ўт пуфаги ва гастрит касалликларида ишлатилади. Ўсимликдан олинган хамазулен бронхиал астма, ревматизм, экзема, каби касалликларда ва рентген нури таъсирида куйган жойларни даволашда қўлланилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида, эрмон (аччиқ шувок)нинг дори шакл (дамлама, настойка, қуюқ ва суюқ экстрактлар)ларини тайёрлаб, тажрибаларимизда

қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг баъзи бир касалликларини даволашда қўллаш мумкин, бу борада илмий ишланишларни давом этмоқда.

### ХУЛОСА

Аччиқ шувоқ доривор ўсимлигидан олинадиган дори воситаларини ветеринария амалиётида ҳайвонларни баъзи касалликларини даволаш мақсадида қўллаб, чет мамлакатлардан келтириладиган баъзи бир синтетик препаратларни маҳаллий шифобахш ўсимликлардан тайёрланадиган дорилар билан алмаштириш имконини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Х.Х.Холматов, Ў.А.Аҳмедов .Фармакогнозия. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти. Тошкент, 2007 й.
2. Ҳ.Х.Холматов, Ў.П.Пратов, М.Н.Махсудов. “Асоратсиз дори-дармонлар”. Тошкент, 2006 й.
3. Э.Негматов, У.Избасаров, Ш.Избасаров. “Шифобахш гиёҳлар билан даволаш”. Тошкент, 2012 й.
4. <https://delicesucre.ru.uz/>.